

**ЮЛДАШЕВА Нилуфар Абдувахидовна,**  
Фарғона политехника институти  
«Менежмент» йўналиши мустақил  
изланувчиси, Қувасой иқтисодиёт, хизмат  
кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқув  
ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор  
ўринбосари

# КОРХОНАЛАРДА ИНҚИРОЗЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

УДК 334.722.1

## **ЮЛДАШЕВА Н.А. КОРХОНАЛАРДА ИНҚИРОЗЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

Мақолада «инқироз» сўзига таърифлар келтирилган, корхонанинг ҳаётий цикли ва инқирозли ҳолатлар чизмалар асосида ёритиб берилган. Муаллиф томонидан инқирознинг пайдо бўлиши, омиллари ва сабаблари атрофлича ўрганилган. Турли илмий адабиётларни ўрганиш натижасига кўра инқироз гуруҳларга ажратилган. Инқирознинг ҳаракат доираси ва оқибатига кўра турлари таклиф этилган.

Таянч иборалар: инқироз, корхона ҳаётий цикли, инқироз сабаблари, ички ва ташқи сабаблар, объектив ва субъектив сабаблар, инқироз омиллари, инқироз оқибатлари.

## **ЮЛДАШЕВА Н.А. ПРИЧИНЫ И ФАКТОРЫ ПОЯВЛЕНИЯ КРИЗИСНЫХ ЯВЛЕНИЙ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ**

В статье изложены описание, слово «кризис», описывается жизненный цикл предприятия и кризисные состояния с помощью чертежей. Автор тщательно изучила возникновения, факторы и причины кризиса. Основываясь на результатах различных научных публикаций изложена группа кризисов. Были предложены различные типы кризисов.

Ключевые слова: кризис, жизненный цикл предприятия, причины кризиса, внутренние и внешние причины, объективные и субъективные причины, факторы кризиса, последствия кризиса.

## **YULDASHEVA N.A. CRISIS ON ENTERPRISES: REASONS AND FACTORS**

This article describes disclosing the word «crisis», describes the life cycle of an enterprise and crisis states implementing drawings. The author has carefully studied the origins, factors and causes of the crisis. Based on the results of various scientific publications, a group of crises is presented. Various types of crises definition were proposed.

Keywords: crisis, enterprise life cycle, crisis causes, internal and external causes, objective and subjective reasons, crisis factors, consequences of the crisis.

**Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланишида маълум даврийлик бўлади. Шу билан биргаликда ушбу тизимда фаолият юритиш, ривожланиш ҳамда инқироз ҳолатлари юз бериши табиий.**

Фаолият юритиш ҳаётий жараёни акс эттириб, ўз функция ва вазифаларини бажариш билан характерланади. Ривожланиш босқичи янги сифат ва тараққиёт жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар меҳнат воситаларининг ўзгариши ва технологиялар билан бевосита боғлиқ.

Шунингдек, ҳар бир иқтисодий тизим ва унинг таркибидаги корхонага инқироз доимий равишда хавф-хатар туғдиради.

Инқироз сўзига турлича таърифлар мавжуд. Е.П.Жарковская ва Б.Е.Бродскийлар «Инқироз – бу ишлаб чиқаришнинг ички ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, шунингдек, корхонанинг ташқи иқтисодий муҳит муносабатларининг кескинлашишидир<sup>1</sup>», дея таърифлайдилар.

А.П.Добровинскийнинг таърифлашича, инқироз – бу ижтимоий-иқтисодий тизим (ташкilot)даги зиддиятларнинг кескинлашиши бўлиб, унинг ҳаётчанлигига таҳдид солади. Инқирозни ижтимоий-иқтисодий тизимдаги босим ва номутаносибликни бартараф этиш учун ривожланиш босқичи сифатида ҳам тушуниш мумкин<sup>2</sup>.

Н.А.Львованинг фикрича, инқирознинг оқибатлари нафақат салбий, барбод этувчи хусусиятга, балки ижобий жиҳатларга ҳам эгадир. Бу ҳолатда инқироз тизимни ўзгартириш жараёни сифатида намоён бўлади<sup>3</sup>.

Ушбу ёндашувларга кўра, инқироз ижобий ҳолат сифатида тавсифланган. Яъни, инқирозга маълум тизимнинг ривожлантириш босқичи сифатида қаралган. Бироқ инқирознинг оқибатлари аксарият ҳолатларда салбий бўлиши маълум.

Инқироз (юнончадан ечим) кучли ўзгариш, кескин бурилиш деганидир. Инқироз атамаси тиббиётда кенг қўлланилиб, бемор ҳолатининг

кескин ўзгариши сифатида тушунилиб, бемор бу ҳолатда ёки вафот этган, ёхуд тузалиб кетган<sup>4</sup>.

Фикримизча, корхона учун инқироз таназзул саналиб, корхонанинг барча тизимига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, инқироз – жамиятнинг барча жабҳаларига зарар келтирадиган ва янги фаолият юритишга ундайдиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий категориядир.

С.Н.Кукушкин ўз асарларида иқтисодий инқирозларни қуйидаги қисмларга бўлиб ўрганган:

- депрессия;
- ўсиш;
- стагнация;
- таназзул<sup>5</sup>.

А.П.Добровинский эса иқтисодиёт тўрт фазани босиб ўтади, дея кўрсатиб ўтган:

1. Биринчи фаза – ўсиш.
2. Иккинчи фаза – тушиш.
3. Учинчи фаза – стагнация (депрессия).
4. Тўртинчи фаза – жонланиш, тикланиш<sup>6</sup>.

К.В.Балдин саноат корхонасининг асосий ҳаётий циклини ўсиш, барқарорлик, стагнация, қайта қурилиш, тугатилиш ёки янгидан ўсиш каби босқичларга ажратган<sup>7</sup>.

З.А.Авдошина корхона ҳаётий циклини 1-расмдаги каби таснифлаган.

Ушбу циклга кўра, корхона ташкил этилишдан бошлаб, инқирозга юз тугунча бўлган давр оралиғининг барчасида инқироз ҳолати таҳдид солиб туради. Ҳаттоки ривожланишнинг энг юқори босқичида ҳам ушбу хавф-хатарни четлаб ўтиш мушкул.

Инқироз ҳолатлари унинг ривожланишига кўра турли гуруҳларга таснифланади. Шунинг-

<sup>1</sup> Жарковская Е.П., Бродский Б.Е. Антикризисное управление. Учебник. — М.: «Омега-Л», 2004. -С. 8.

<sup>2</sup> Добровинский А.П. Антикризисное управление организацией: учебное пособие. / Национальный исследовательский Томский политехнический университет. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2013. –С. 10.


<sup>3</sup> Львова Н.А. Финансовая стабильность предприятий: методология фундаментальных и прикладных исследований. / Дис. ... доктора экон. наук. – Санкт-Петербург, 2016. -С. 30.

<sup>4</sup> Антикризисное управление: учебник и практикум для академического бакалавриата. / Под ред. Н.Д. Корягина. — М.: «Юрайт», 2016. -С. 16.

<sup>5</sup> Кукушкин С.Н. Антикризисное управление. - Ульяновск: УлГТУ, 2000. –С. 5.

<sup>6</sup> Добровинский А.П. Антикризисное управление организацией: учебное пособие. / Национальный исследовательский Томский политехнический университет. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2013. –С. 2.

<sup>7</sup> Балдин К.В и др. Антикризисное управление. / Под ред. К.В.Балдина. – М.: «Гардарика», 2006. –С. 133.

1-расм. Корхона ҳаётӣ цикли ва инқирозли ҳолатлар<sup>1</sup>.1-жадвал. Инқироз гуруҳлари<sup>2</sup>.

1	Қамровига кўра	алоҳида; локал; тизимли
2	Иқтисодиёт бўғинларга кўра	микро; мезо; макро
3	Пайдо бўлиш сабабларига кўра	тасодифий; қонун доирасидаги; даврий
4	Таъсир этиш муддатига кўра	қисқа муддатли; ўрта муддатли; узоқ муддатли
5	Келиб чиқиш сабабларига кўра	ички; ташқи
6	Бартараф этилишига кўра	ички кучлар ёрдамида бартараф этиладиган; ташқи кучлар ёрдамида бартараф этиладиган; бартараф этилмайдиган

дек, уни занжир кўринишидаги ҳолатда тасаввур этган ҳолда бир бўғиндаги узилиш бошқа бўғинда муаммолар, номувофиқликни келтириб чиқаришини кўриш мумкин.

Турли илмий адабиётларни ўрганиш натижа-сида иқтисодиётдаги барча инқирозларнинг пайдо бўлишини 1-жадвалдаги каби гуруҳлаш мумкин.

Корхонанинг ҳаёт цикли турли босқичлардан иборат. Бу босқичлар корхонанинг ташкил топишдан бошланиб, ривожланиши, гуллаб-яшнаш босқичини ўтайди ва яқунланиш босқичи билан тугайди.

Корхоналарда турли инқирозларни кўриб чиқиб, тадқиқотчилар молиявий инқирозга алоҳида эътибор қаратадилар. Е.П.Жарковская ва Б.Е.Бродскийлар корхонанинг ҳаётӣ фаолиятини инсоннинг ривожланиши, молия ва молиявий оқимни организмдаги тананинг барча қисмларига кислород етказиб берувчи ҳамда

органлар ҳаётӣ фаолиятини таъминловчи қонга қиёслади<sup>3</sup>.

Ҳар бир иқтисодий тизим (корхона, соҳа, ҳудуд, мамлакат) ўз ҳаёти давомида инқирозли ҳолатларни бошидан кечиради. Ҳар бири инқироздан чиқиш бўйича муаммоларни ўзича ҳал этади. Шунингдек, инқирозларнинг вужудга келишида турли омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Ўз вақтида инқирознинг юзага келиш сабаблари, аломатлари ва омилларини аниқлаш самарали бошқарувга ёрдам беради.

И.А.Марчева корхоналарда инқирознинг юзага келиш сабабларини ташқи (корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган), ички (корхона фаолияти билан боғлиқ) омилларга ажратади<sup>4</sup>.


Ташқи омиллар сирасига инфляциянинг ўсиши, солиқ тизимидаги нобарқарорлик, аҳолининг реал даромадлари даражаси камайиши, ишсизликнинг ўсиши каби мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий омилларни киритади. Ички омиллар жумласига тижорат рискиннинг юқори даражаси, бозор конъюктурасини етар-

<sup>1</sup> Авдошина З.А. Антикризисное управление: сущность, диагностика, методики [Электронный ресурс]. / Режим доступа: [http://www.cfin.ru/management/antirecessionary\\_management.shtml](http://www.cfin.ru/management/antirecessionary_management.shtml)

<sup>2</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>3</sup> Жарковская Е.П., Бродский Б.Е. Антикризисное управление. Учебник. — М.: «Омега-Л», 2004. — С. 9.

<sup>4</sup> Антикризисное управление: Учебно-методическое пособие. / Составитель: Марчева И.А. — Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2012. — С. 13.

2-расм. Инқирознинг пайдо бўлиши<sup>1</sup>.

ли даражада билмаслик, самарасиз молиявий менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг етарли даражада сифатли эмаслиги, асосий фондларнинг эскириши, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, юқори миқдорда энергия сарфи каби омиллар киради. Шунингдек, бозор омилларига маҳсулотнинг етарли даражада рақобатбардош эмаслиги, таъминотчи ва харидорларнинг чегараланган доирада бўлиши омиллари ҳам таъсир кўрсатади.

Инқирознинг пайдо бўлиш босқичларини 2-расмдаги каби занжир тарзида тасаввур қилиш мумкин.

Инқироз сабаблари ташқи белги, аломатлар пайдо бўлиш замирида юзага келиб, инқирознинг келгани ҳақида гувоҳ бўлувчи омилларда кўринади. Инқироз сабаблари унинг вужудга келиш манбасидир.

Айрим олимларнинг фикрича, инқирознинг юзага келишида қуйидаги сабаблар муҳим роль ўйнайди:

- субъектив сабаблар;
- объектив сабаблар;
- ташқи ва ички сабаблар;
- илмий билимлар даражаси;
- ривожланиш эҳтиёжи;
- табиатдаги ўзгаришлар;
- бошқарувнинг мукамал эмаслиги;
- фаолиятдаги хатолар;
- фаолиятнинг қийинлашуви;
- вақтнинг тиғизлиги;
- манфаатлар тўқнашуви<sup>2</sup>.

Фикримизча, ушбу сабаблар классификацияси ташқи муҳит ва ички бошқарув функцияларини ҳам акс эттирган. Шунингдек, уларга жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, мамлакатнинг

макроиқтисодий ривожланиши, рақобат, сиёсий вазият, корхона бошқарувидаги инновацион сиёсат каби омилларни қўшимча қилиш мумкин.

Шунингдек, корхонада инқирознинг юзага келишига сабаблардан бири сифатида корхонада молиявий самарадорлик ва молиявий барқарорликнинг пасайиб кетиши ҳисобланади.

Н.А.Львова инқироз сабабларини икки гуруҳга: объектив сабаблар ва субъектив сабабларга бўлиб кўрсатган<sup>3</sup>.

Яна бир ёндашувга кўра, инқироз ҳолатига олиб келувчи сабаблар объектив, субъектив ва форс-мажор турларига бўлинади<sup>4</sup>.

Фикримизча, объектив омиллар сифатида даврий янгиланишга бўлган реструктуризацияга эҳтиёж асосий ўринни эгаллайди. Субъектив омиллар бошқарув тизимидаги хатоликлар натижасида юзага келади.

Ушбу назарияда корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи муҳит ҳамда бевосита корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ички муҳит омиллари гуруҳлаштирилган. Бундан ташқари, форс-мажор ҳолатларига кирувчи омиллар сифатида табиатга боғлиқ ҳолатлар: зилзила, сув тошқини, иқлим ўзгариши, ёнғинлар алоҳида таснифланган.

Корхонанинг молиявий-иқтисодий натижаларига иқтисодий самарадорликнинг пасайганлиги, харажатларнинг кескин ўсиб бориши салбий таъсир кўрсатади. Корхонадаги ижтимоий-иқтисодий натижаларга эса жамоа ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви, ходимлар, ижтимоий гуруҳларнинг меҳнат фаолият-

<sup>1</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>2</sup> Антикризисное управление: Учебник. / Под ред. Э.М.Короткова. - М.: «ИНФРА-М», 2003. -С. 17.

<sup>3</sup> Львова Н.А. Финансовая стабильность предприятий: методология фундаментальных и прикладных исследований. / Дис. ... доктора экон. наук. – Санкт-Петербург, 2016. -С. 31.

<sup>4</sup> Антикризисное управление: учебник и практикум для академического бакалавриата. / Под ред. Н.Д.Корягина. — М.: «Юрайт», 2016. -С. 22.

ларидан қониқиш даражаси бевосита таъсир ўтказади. Шунингдек, самарасиз менежмент корхонани инқироз ҳолатига олиб келади<sup>1</sup>.

Бу борада менежерларнинг хатоси туфайли корпоратив инқироз юзага келиш хавфи мавжуд.

Фикримизча, инқирозга олиб келувчи омиллар сирасига қўшимча равишда ижтимоий омил, бутун дунё бўйича катта тўсиқ бўлувчи коррупцияни киритиш мумкин. Чунки коррупция бозор механизмларининг бузилиши, ҳаёт сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Афсуски, бу хавфли таҳдид жаҳоннинг барча мамлакатларида мавжуд.

Инқироз аломатлари корхонанинг ривожланиш кўрсаткичларида акс этади. Бу борада айниқса, молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили муҳим ўрин эгаллайди.

Э.М.Коротковнинг фикрича, инқироз симптоми кўрсаткичлар ҳолати ва уларнинг ўзгариш тенденциясидир<sup>2</sup> [2, 78-б.].

Инқироз симптомларини аниқлаш учун қуйидаги таҳлиллар зарур:

- меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари;
- фаолият самарадорлиги;
- ишлаб чиқаришнинг энергия ва технология билан таъминланганлиги;
- молиявий ҳолат;
- кадрлар қўнимсизлиги;
- интизом;
- меҳнатдан қониқиш;
- низолар.

Ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Зеро кадрлар қўнимсизлиги, меҳнатдан қониқиш ҳолати ўз навбатида меҳнат унумдорлиги ва фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг энергия ва замонавий технологиялар билан узлуксиз таъминлаш натижасида юқори даражадаги самарадорликка эришиш мумкин.

Инқирознинг ривожланиш симптомлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- кўрсаткичларнинг қонунчилик билан ўзаро номувофиқлиги;
- маълум вақт оралиғида кўрсаткичларнинг кескин тушиши.

<sup>1</sup> Львова Н.А. Финансовая стабильность предприятий: методология фундаментальных и прикладных исследований. / Дис. ... доктора экон. наук. – Санкт-Петербург, 2016. -С. 38.

<sup>2</sup> Антикризисное управление: Учебник. / Под ред. Э.М.Короткова. - М.: «ИНФРА-М», 2003. -С. 78.

Бироқ ҳар доим ҳам корхона ҳолати ёмонлашувининг барча симптомлари унинг инқирозига олиб келмайди. Симптом ташкилот «касаллиги»нинг дастлабки ташқи кўриниши бўлиб, «касаллик», яъни инқироз ҳолатига унинг юзага келиш сабаблари олиб келади. Симптомлар низолар келиб чиқиши, молиявий муаммоларнинг кўпайишида кўринади.

Инқироз омили – инқироз келганлигидан далолат берувчи, белгиланган тенденция, объектининг ҳолатини акс эттирувчи ҳодиса ҳисобланади. Маҳсулот сифатининг пасайиши, технологик жараённинг бузилиши ҳамда кредитлар бўйича катта қарздорлик инқироз омиллари саналади.

Корхона иқтисодий-ижтимоий, маъмурий-ташкилий фаолиятида мустақил бўлса-да, унга ташқи ҳамда ички омиллар доимий таъсир ўтказади. Ташқи омиллар сирасига объектив ва субъектив сабаблар, хусусан, сиёсий вазият (урушлар), давлатнинг иқтисодий сиёсати, корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳолати, янги табиий захираларнинг топилиши, технологик инновациялар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида киритилган инвестиция миқдори, солиқ ва бошқа тўловлар даражаси, талаб ва истеъмол даражаси ҳамда бошқалар киради.

Ички омиллар жумласига корхонанинг маркетинг сиёсати, асосий ресурслардан самарали фойдаланиш, кадрлар малакаси ва салоҳияти даражаси, илғор, замонавий технологиядан фойдаланиш ҳолати, корхона раҳбарларининг профессионаллик даражаси киради.

Шу жумладан, молиявий ресурслар етишмаслиги, солиқларнинг юқори миқдорда бўлиши, соҳадаги кескин рақобат, харидорлар тўлов қобилиятининг пасайиши сингари иқтисодий омиллар ҳам корхона ривожланишига ўз таъсирини ўтказади.

Корхонанинг инвестициявий фаолиятида фаоллик етишмаслиги махсус омилдир. Талаб даражасининг тебраниши, ички бозор конъюнктурасининг ўзгариши, жаҳон бозорининг мамлакат иқтисодиётига таъсири каби омиллар глобал омиллар саналади.

Ушбу омиллар корхона ривожланишининг турли босқичларида ўзини намоён қилиши мумкин. Ташқи омиллар корхонага боғлиқ бўлмаган тарзда пайдо бўлади ва корхона ушбу омилларни бошқара олмайди. Мамлакатда иқтисодиёт тизимли инқироз ҳолатида бўлса, ушбу ҳолат турли корхоналарга фаолият соҳаси,

**2-жадвал. Инқироз турлари<sup>1</sup>.**

№	Келиб чиқиш сабабига кўра	Характерига кўра	Оқибатига кўра	Хусусиятига кўра
1	Ташқи	Енгил	Барбод бўлиш	Бошқариладиган
2	Ички	Оғир	Кескин ўзгаришлар	Бошқарилмайдиган
3	Объектив	Узоқ муддатли	Сифат кўрсаткичи	Табиий
4	Субъектив	Қисқа муддатли	Миқдор кўрсаткичи	Ижтимоий
5	Тасодифий	Умумий	Тизимли	Иқтисодий
6	Қонун доирасидаги	Локал	Қисман	Технологик
7	Табиий	Очиқ	Соғломлашиш	Психологик
8	Сунъий	Яширин	Кучсизланиш	Ташкилий

иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб турлича таъсир ўтказди. Шу туфайли кўплаб корхоналар тараққиёт даврида инқироз ҳолатлари хавфининг олдини олиш чораларини кўрмайдилар. Айнан шу ташқи ва ички омиллар корхонани инқироз ҳолатига олиб бориши мумкин.

Ушбу омиллар корхона ривожланишининг турли босқичларида ўзини намоён қилиши мумкин. Ташқи омиллар корхонага боғлиқ бўлмаган тарзда пайдо бўлади ва корхона ушбу омилларни бошқара олмайди. Мамлакатда иқтисодиёт тизимли инқироз ҳолатида бўлса, ушбу ҳолат турли корхоналарга уларнинг фаолият соҳаси, иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб турлича таъсир ўтказди. Шу туфайли кўплаб корхоналар тараққиёт даврида инқироз ҳолатлари хавфини олдини олиш чораларини кўрмайдилар. Айнан шу ташқи ва ички омиллар корхонани инқироз ҳолатига олиб бориши мумкин.

Инқироз содир бўлиши ҳолатини интуиция, тажриба, анализ ва ташхислаш воситалари ёрдамида аниқлаш мумкин. Ушбу воситаларни корхона ривожланишининг барча босқичларида қўллаш лозим.

Инқироз тизимдаги бузилиш бўлиб, унинг юзага келиши, ҳаракат доираси ва оқибатига кўра қуйидагича классификациялаш мумкин (2-жадвал).

Корхонадаги инқирозларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Технологик (ишлаб чиқариш билан боғлиқ) – эскирган жиҳоз ва технология сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминламайди, натижада корхонада молиявий йўқотишларга олиб келади.

- Ижтимоий – ходимлараро ва ходимлар ҳамда маъмурият ўртасидаги, бошқарув соҳасидаги низолар натижасида юзага келади. Ушбу

низолар самарасиз қарорлар қабул қилиш ва ишлаб чиқаришда вақтнинг йўқотилишига сабаб бўлади.

- Молиявий – шахсий капитал, олинган даромаддан самарасиз фойдаланиш оқибатида корхонада молиявий муаммолар келиб чиқади.

- Ташкилий – ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимидаги камчиликлар, ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг нотўғри тақсимланганлиги туфайли содир бўлади.

- Информацион – олинаётган ахборотлар бозордаги ўзгаришларни тўлиқ акс эттирмаган, корхона ҳолатини тўлиқ таснифламаган шароитларда вужудга келади ва турли кўринишдаги йўқотишларга олиб келади.

- Психологик – инсонларнинг психологик ҳолатидан келиб чиқиб, ваҳима, стресс, ишончсизлик, кўрқув, меҳнатидан қониқмаслик каби кўринишларда акс этади.

- Инновацион – корхона структураси ва элементлар таркибининг инқирозли ўзгариши, шунингдек, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнига инновацияни етарли даражада татбиқ этмаслик натижасида келиб чиқади.

Инқирозни тушунишда нафақат унинг сабаблари, балки оқибатлари ҳам инobatга олинади. Инқирознинг аксарият оқибатлари корхонанинг барбод бўлиши ёки янгилашиши, янги инқироз пайдо бўлиши ёхуд соғломлашиши билан тавсифланади. Инқирозлар занжирли реакция тарзида давом этиши ҳам мумкин.

Е.П.Жарковская ва Б.Е.Бродскийлар корхона инқирозли ҳолатларининг оқибатларини ижобий ва салбий турларга бўлиб кўрсатиб ўтишган.

Ижобий оқибатлар:

- инқирознинг заифлашуви;
- ташкилотнинг молиявий соғломлашуви (инқироз ҳолатини бартараф этиш);

- ташкилотнинг юридик шахс сифатида сақлаб қолиниши;

- реструктуризацияланиши (қайта тузилиши).

<sup>1</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Салбий оқибатлар:

- инқирознинг кучайиши;
- янги инқирозга ўтиш;
- ташкилотнинг тугатилиши;
- мулкдорнинг алмашинуви.

Бу борада Ж.Х.Камбаров эса инқирознинг руҳий оқибатларини ҳам эътиборга олиш зарурлигини таъкидлаб, «инқирознинг оқибати қайси шаклда бўлишидан қатъий назар фақатгина зарар келтиради», деб ҳисоблайди.

Инқирозга оид ёндашувларни ўрганган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- инқироз корхона ичидаги зиддиятларнинг кучайишида акс этувчи беқарорлик давридир;
- инқироз кўплаб салбий вазиятларни характерлайди: самарадорликнинг пасайиши, молиявий беқарорлик, инновациянинг мавжуд бўлмаслиги;
- инқироз корхона ҳаётий циклининг исталган босқичида таҳдид солиши мумкин.

Инқироз ҳолатлари корхоналарда инқирозга қарши бошқарув бўйича дастурлар ишлаб чи-

қаришни тақозо этади. Жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқирозлар, жаҳон бозорининг салбий таъсири, талаб ва таклифнинг тебраниши инқироз ҳолатларига олиб келувчи омиллар ҳисобланади.

Инқироз манбалари корхона фаолиятининг ташқи ва ички омиллари гуруҳларига бўлинади.

Омилларни эътиборга олган ҳолда инқирозга қарши бошқарув ва бошқарувда қарорлар қабул қилиш механизмнинг ишлаб чиқарилиши ва татбиқ этилиши инқироз ҳолатларини ижобий бартараф этишга имкон беради.

Инқироз натижасида корхонадаги ўзгаришлар ва ривожланишлар қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли турларга бўлинади. Инқирозга қарши бошқарувни тўғри ташкил этиш натижасида инқироз оқибатлари юмшатилишига эришилади. Бу эса ўз навбатида профессионаллик даражаси, мотивация ва инқироз сабаблари ва оқибатларини ўз вақтида англашга боғлиқ.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Авдошина З.А. Антикризисное управление: сущность, диагностика, методики [Электронный ресурс]. / Режим доступа: [http://www.cfin.ru/management/antirecessionary\\_management.shtml](http://www.cfin.ru/management/antirecessionary_management.shtml)
2. Антикризисное управление: Учебник. / Под ред. Э.М.Короткова. - М.: «ИНФРА-М», 2003.
3. Жарковская Е.П., Бродский Б.Е. Антикризисное управление. Учебник. - М.: «Омега-Л», 2004.
4. Антикризисное управление: учебник и практикум для академического бакалавриата. / Под ред. Н.Д.Корягина. — М.: «Юрайт», 2016.
5. Антикризисное управление: Учебно-методическое пособие. / Составитель: Марчева И.А. – Нижний Новгород: Нижегородский госуниверситет, 2012.
6. Балдин К.В. и др. Антикризисное управление. / К.В. Балдин [и др.] / Под ред. К.В.Балдина. – М.: «Гардарика», 2006.
7. Добровинский А.П. Антикризисное управление организацией: учебное пособие; Национальный исследовательский Томский политехнический университет. – Томск: Изд-во Томского политехнического университета, 2013.
8. Камбаров Ж.Х. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. / Дисс. иқт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 2012.
9. Кукушкин С.Н. Антикризисное управление. - Ульяновск: УлГТУ, 2000.
10. Львова Н.А. Финансовая стабильность предприятий: методология фундаментальных и прикладных исследований. / Дис. ... доктора экон. наук. – Санкт-Петербург, 2016.

<sup>1</sup> Жарковская Е.П., Бродский Б.Е. Антикризисное управление. Учебник. — М.: «Омега-Л», 2004. -С. 14.

<sup>2</sup> Камбаров Ж.Х. Саноат корхоналарида инқирозга қарши бошқарувнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. / Дисс. иқт. фанлари номзоди. – Т.: ТДИУ, 2012. -15-б.